

Юксак эътикод

Мен ҳар гал коммунистлар ҳузурида сўзлашга тайёрланаётганда М. С. Горбачёвнинг КПСС Бутуниттифоқ XIX конференциясида айтган қуйидаги сўзлари ҳаёлимга келарди. «...Партияда принципиаллик, ошқоралик, мунозаралар, танқид ва ўз-ўзини танқид, оғил иштирок, партиянинг биродарлик ва қатъий шахсий масъулият, ишчанлик вазиётини тўла-тўқис тиклаш керак».

Сир эмаски, худди шу фазилатлар баъзи партия ташкилотлари, айрим коммунистларда йўқолган, фақат вазнос тўлаш билангина партиявий «виждон»ларини овутиб юришган эди.

Шундай одамлар ҳам бўладилар, улар ишлаб чиқариш пландарини мунтазам ошириб бажардилар, астойдил меҳнат қилдилар. Лекин, партиявий тошриқларини адо этишга келганда эса, лоқайдлик қилдилар. Бундай қайфиятлар илгари ке-чириларди. «Астойдил, коммунистча-гина ишлашди-ку» деб танқидлардан омон сақлашарди. Тўғриси айтганда, коммунистга ҳеч қандай имтиёз берилмаган. Унинг фақат битта имтиёзи бор: ватанпарварлик, ташкилотчилик намуналарини кўрсатиш, ҳар қандай қийин шароитларда ҳам партия кўрсатмаларининг уйдасидан чиқиб кетмас.

Бирлашма широкнинг машаъл ишчиларидан бири Махшур Қодировани бу йил партокм аъзолигига сайламади. Нега шундай бўлди? Ахир, унинг меҳнат наъзаларидан 1994 йил ҳисоби очилган, Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланган эди-ку! Қўчқор ажабланди. Лекин, бир нарсани — мукофот фақат ахши ишчиларига қараб қарасан чалинмаган даврлар ўтиб кетганини унутмаслик керак!

Қайта қўриш талаби битта: коммунист ҳар томонлама ўрнак кўрсатсин. Қарангки, ҳаёт ташвишлари, оилавий муаммолар Махшурани довдиратиб қўйди. У партиявий ишлардан бутунлай ажраллиб қолди.

Екин бошқа бир мисолни айтиб ўтай. Мунаввар Боситхонованинг келажак ҳали олдинда. ТошДУда ўқийпти. У партия сафига ўтганда ўз ибрати билан бошқаларини руҳлантиради. деб кутган эдик. Афсуски, бундай бўлмади. Мунаввар ҳам ўз шахсий юмушлари билан ўралашиб қолди.

Очқич айтишга мажбурман. Баъзан ўзбек аёлларимизда дадиллик етишмади. Агар, шаҳар фаррошларини бирма-бир суриштириб чиқсангиз, деярли ҳаммасининг маҳаллий хотин-қизлар эканликлари ашочингиз қомил бўлади. Нега шундай? Бу баъзи ҳеч иккиланмасдан жавоб бериш мумкин: улар қийналиб ўқидан ёки бирор корхонада эртадан-кечгача иш-лашдан кўра енгилгина кўча супуришини афзал билдилар. Тўғри, фаррошлар ҳам керак. Лекин, бирор корхонада иккениер ёки бошқа касб эгаси бўладиган ёш-ёш қизу жувонлар қўлида супурти кўрсангиз, беихтиёр ачинасиз, албатта.

1-тикувчилик пехи ишчиси Антонина Михайловна Просина бир пайтлар шаҳар Совети депутати, район партия комитети аъзоси бўлган. Ёнг илгор ишчиларимиздан бири. Партокм аъзоси. Шу аёлнинг турмуш ўртоғи вафот этди, ўзи оғир касалланди. Антонина Михайловна тушкунликка берилиб, «узлат»га чекинмади. Унинг қатъий иродаси ҳаммамизни қойил қолдирди. Пешқадам бу аёл партиявий тошриқларини узлуksиз бажаради. Ҳеч қачон баҳона изламайди. Ёшгина қиз — Манзура Тулаган.

ҳўжаева партия сафига ўтгач, янада активланди. Октябрь район Совети депутати бўлди. Унга тикувчилик пехи касба союзу гуруҳаси ишнин ишониб тоширди.

Узим Самарқандда тутилганман. Ёшнинг ўзбек ва тожик қизлари орасида ўтди. Ҳар икки тилни ҳам пухта биламан. Баъзан ўзбекчада тиниқ талаффузда гапиратганлигини кўриб, ажабланишарди. Кейин Тошкентга келдим. Очқични айтганда, «Малика»да камол топдим. Турли миллат вакилларининг ўзаро меҳр-оқибатларини кўриб ҳаяжонланаман. Бизда ишчиларнинг 95 проценти хотин-қиз. Шу ерда ишлаб, обрў-эътибор орттиришди, рўзгор тебратиларди. Оилавий ишчилар сулоласи 85 тага етди.

Ҳар кун цехларини айланаман. Хотин-қизлар билан суҳбатлашаман. Бир кун улар ўртага олишди: «Галина Арсентьевна, сен бизнинг секретаримизсан. Дардимизга қўлоқ сол. Қачонгача шанба кунлари ҳам ишлаб, материал йўқлигидан қийналамиз. Ҳисобот-сйллов йиғилишида бу масалани ўртага ташлаш керак», дейишди. Йиғилишда бир мен эмас, кўпгина коммунистлар ҳам бу ҳақда гапирди. Менмеч, ишчиларнинг қайфиятларига салбий таъсир кўрсатган хом аш ётишмаслигини ҳали-вери ҳал бўлмас керак. Бунинг учун бизга хом аш жўнаётган корхоналардаги ишларни қайта қўриш лозима ўхшайди.

Мен кўпчилидаги гапларни айтдим. Хулоса шунки, коммунист хотин-қизларимиз қарвондан орқада қолмасликлари лозим.

Г. ГРИГОРЬЯН, «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари.



Тошкент экскаватор ишлаб чиқариш бирлашмаси машинасозлари ҳақ ҳўжалигининг турли соҳаларда қўлланилаётган ЭО — 3011 — Е 1 маркали экскаваторларни қўллаб тайёрлашмоқда. Корхона маркаси билан ишлаб чиқарилаётган бу машиналар айниқса қишлоқ ҳўжалигида кенг қўлланилмоқда. Канал, зовурлар қазиниш, дренажлар тайёрлашда уларнинг хизмати қатта бўлайти. Машина-

соалар ўз ишларига масъулиятли ёндошиб, бажарилаётган юмушларнинг сифатига алоҳида эътибор билан қарашмоқда.

СУРАТДА: илгор машинасозлардан Олег Мансуров ва Абдували Рустамовлар машина қиссини қўздан кечиришмоқда.

М. Нуридинов фотоси


ХУШХАБАРЛАР

«Комсомол қўли»даги Тошкент болалар темир йўли ўз тўғаракларига 5—8-синфдаги мактаб ўқувчиларини чорлади. Бу ерда болаларга 20 касбини эгаллашда ёрдам беришмоқдалар. Улар поезди ҳайдашни ва унинг ҳаракатини бошқаришни, йўлларни конструкциалаш ва тўзатишни, ахши сақлашни, тепловоз ва электровозлар моделларини ясашни ўрганадилар. Маскур тўғараклар аъзолари кейинчалик темир йўл ўқув юрларига кириш учун имтиёзларга эга бўладилар.

Саноат ва жамоат бинолари ишчиларини беаши учун овозини ютадиган плиталар ишлаб чиқиб мушкин бўлган рецепт яратилди. Бу плиталар оддий минерал пахтадан ясаллиб, унга қўшидиган қоринишлар буюмларини кераклик мустаҳкамликда осонлик билан қийин ишчиларни беради, бунинг устига буюмларнинг ташиқ қўришни жуда қийин бўлади. Ишланма муаллифлари — «Силкат» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ва химия ҳамда физика полимерлари академияси институтини инженерлари янги плиталар стандарт ускуналарда ишлаб чиқарилишни тўғрисида жон куйдилар.

Тошкентда янги бог — республика лойиҳалаш институтлари, шунингдек москваликлар конкурси асосида ана шу бог лойиҳасини ишлаб чиқмоқдалар. Шаҳар марказида, Навоий кўчасидаги савдо расталаридан жануброқда бог учун майдонча таялаб олинди. Ўзбекистон архитекторлар союзида хабар қилишганидек, энг ахши лойиҳа таялаб олиншидан аввал жамоатчилик кенг муҳокамага қўйилди.

(ЎзТАГ).



Қобилжон Пулатовни 1-троллейбус депоси ишчилари хўрнат билан тилга олишди. Моҳир ҳайдовчи мана ўн йилдирки, қасбдошлари орасида меҳнатсаварлиги ва ишга сиқидиган ёндошиши билан ахши танилган. Биринчи класс ҳайдовчиси Қ. Пулатов эндиликда биларга мўраб-бийлик ҳам қилимоқда. У бу йилги олган социалистик маж-бурйатини муддатидан илгари адо этиш учун қўрашпти.

СУРАТДА: Қ. Пулатов.

ГФРда СОВЕТ ИТТИФОҚИ КУНЛАРИ ЯКУНЛАНДИ

ГАННОВЕР. «Ўзбекистон Совет Республикаси ва ГФР Германиядаги Қўйи Саксония ўлкаси халқлар ҳамжиҳатчилигини мустаҳкамлаш, иккимий-сиёсий тўзулмлари турлича бўлган давлатларнинг тинчликда, тинч-тотув яшаш бош принцип бўладиган Европадаги умумий хонадонини бунёд этиш йўлида яна бир қадам қўйдилар. Қўйи Сак-

сониядаги «ГФР — СССР» жамаити президенти Йоахим Рафферт бутун ТАСС мухбири билан суҳбатда шу мўлоҳазани айтди.

Шу тўрт кун ўлкамиз ахлини ларзага солиди, деб таъкидлади у. Ўзбекистон фақат аттар республика эмас, айни вақтда юксак даражада таракатли этган саноат республикаси эканлиги ўлкамизда яна бир қарра ишонч ҳосил қилдилар. Гарбади немислар онгидан Совет

Иттифоқи, СССР составидаги иттифокдош республикалар хўсусидаги салбий таъсирларга барҳам бериш учун ҳали кўп иш қилиниши керак, албатта, деб ўқтирди Й. Рафферт.

«Бу галли Совет Иттифоқи кунларининг ўтказилиши янги ҳақ сифат бахш этди, — деб алоҳида таъкидлади совет делегациясининг раҳбари, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари В. И.

Франция радиосида рус музикаси

ПАРИЖ. Францияда нҳоятда машҳур бўлган «Франс мюзик» радиостанцияси тўлкинларида 1 ноябрдан бошлаб рус кўйлари янграмоқда.

11 ноябрга қадар ҳар кун эфирга чиққан ўч соатлиқ бир неча программаларда рус музика санъатининг пайдо бўлиши ва унинг бой аънавалари ҳақида жонли ва омма-боп тарзда ҳикоя қилинади.

ИРОҚ—СОВЕТ ДЎСТЛИГИ КУНЛАРИ

БАҒДОД. Шу кунларда Ироқ республикасининг Бағдоддан кейинги энг йирик саноат ва маданият маркази бўлган Басра шаҳрида Ироқ — Совет дўстлиги кунлари бўлиб ўтмоқда. Ушбу тадбирда Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри С. О. Азимов бошчилигидаги чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар совет жамаитлари союзининг делегацияси иштирок этмоқда.

Совет делегациясини Басра вилоятининг губернатори Анвар ал Хадифий қабул қилди. У вилоятнинг социал-иқтисодий тараққиёти, Эрон — Ироқ уруши вақтида вайрон бўлган саноат қорхоналари ва уй-жойлар қан-

дай тикланаётгани, янги иқтисодий объектларни бунёд этиш ҳақида сўзлаб берди. Совет Иттифоқидан келган меҳмонлар Басрадаги университетга бориб, олимлар ва студентлар билан учрашди. Ўзбекистонда олий ва ўрта таълимнинг равнақи ҳақида сўзлаб беришди. Делегация Басра вилоятига сафар қилди, саккиз йил давом этган уруш чоғида вайрон бўлган Ироқ жанубидаги Фао шаҳрида бўлиб, бу шаҳарни тиклаш режалари билан танишди, жамоатчилик вакиллари билан учрашди. Делегация билан биргаликда Ироққа келган ўзбек артистлари бир неча концерт қўйиб беришди, маҳаллий томошобинлар уларни хўшнудлик билан кутиб олдилар.



Непал. Ушбу сурат октябрь ойининг бошларида, Эверест қўққисига қўтарилаётган альпинистларнинг базовий лагерига олиниган. Ореган штатида истикомат қилувчи Стэн Эллисон планетамизнинг энг баланд тоғини забт этган америкалик дастабчи аёл бўлди. Шу билан бирга У Эверест қўққисига қўтарилиган еттинчи аёл киши ҳисобланади.

Рейтер — ТАСС телефотоси.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

ТАСС мухбирлари ёздилар

Телетайп лентасидан

НЬЮ-ЙОРК.

Иордан дарёсининг гарбий соҳилидаги Фаластин халқининг Исроил босқинчиларига қарши қармоқчилик қўзғолови халқроқ жамоатчилигининг эътиборини, яна Фаластини масаласига жалб этди. БМТнинг Фаластин халқи қонуний ҳўқуқларини аялаб қўйиш қўмитетининг БМТ Бош Ассамблеяси 43-сессиясининг муҳокамага тақдим этган доқладига шу ҳақда гап юритилди. Исроилнинг фаластинликлар қўзғоловини бостиришга уриниш, репрессияни қўйайтирилганини, шунингдек унинг региондаги давлатларга қарши қуроли ҳўқуқининг ҳамма қораламоқда ва Исроилнинг бу хатти-ҳаракатлари оқупация остида қолган Фаластин халқи ҳаёсида лиғи ҳўсусида жиддий ташвиш туғдирмоқда, дейилди ҳўжжатда. Бу БМТ резолюциясига мувофиқ равишда вазиятини тинч йўл билан бартараф этишга эришиш юзасидан куч-гайратларга янги омил бағишланди. Фаластин халқининг қонуний ҳўқуқларини амалга ошириш вазияти бундай бартараф этишнинг зарур шарти бўлиб, Фаластин озолиқ ташкилоти

Фаластин халқининг бирдан-бир қонуний вакилидир, деб таъкидланади доқладда.

РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО.

АҚШ ҳарбий кемаларининг Рио-де Жанейро портига кириши Бразилия жамоатчилигининг норозиёлигига сабаб бўлди. Бу кемалар «Уиндас-88» ҳарбий-деңгиз машқларининг наватбади босқинчида қатнашди. Америка эскадраси составида «Шарк» атом сув ости кемаси бор. Бу кема Гуанабара кўпигига кириб, Рио-де-Жанейронинг унинг йўлдош шаҳри Нитеро билан боғловчи кўприкдан атиги 400 метр масофада сув тубида... «лангар ташлади». Бундан бир кун олдин АҚШ ҳарбий-деңгиз қўмондонлиги «Шарк» Бразилия кўприқларидан охида, рейдда бўлади, деб ишонтирган эди. Бироқ кейинчалик америкаликлар маҳаллий маъмурларнинг фикрини меъсимай, ўз ваъдаларини буздилар. Қўзғувчилар Америка ҳарбий-деңгиз қўчаларининг бу ўзбошимчилик ҳаракатларини ўз шаҳрини ядросиз зона, деб эълон қилган Рио-де-Жанейро аҳолисини тўғридан-тўғри меъсимаслик, деб баҳоламоқдалар.

ШУҲРАТПАРАСТЛАР ЖАМАИЯТИ

Голландиялик машҳур қўшиқчи Гарри Слангер Амстердамда одатдан ташқари жамият ташкил этди. Ўз номини абадийлаштириш хоҳиши бўлган ҳар бир киши ана шу жамиятга аъзо бўлиш учун улар беш ярим долларга тенг аъзолик бадалини тўлашлари керак. Шундан сўнг уларга Голландия пойтахтининг майдонларидан бирида

КАЛЕЙДОСКОП

ги қошинга ўз номларининг битилишини сабр-тоқат билан куттиш қолади, холос. Аммо уларнинг нияти йўлда кутлалардан гов пайдо бўлди. Маълум бўлишича, майдондаги қошинларнинг сон атиги 25 мингга экан, ўз номини абадийлаштириш учун пул тўлаганлар сон эса 30 мингдан ошиб кетди.

жикозлари ва ҳатто айрим хоналарда электр шитлар ўрнатилмаган эди. Бу бинони 2-ўзсолик комбинатига қарашли 4-қурулми бошқармаси (бошлиги Серичев) қурувчилари бунёд этишганди.

Кишки масвум ҳам яқинлашмоқда. Ҳозирдан ҳаво совий бошлад. Марказий диспетчерларга ҳар кун 25 тадан ортиқроқ ариза тўшмоқда. Бундай диспетчер бюроси бизда 6 та. Ҳаммасида ҳам шикоятлар оқими авж олган. Масвум бошлангиҳа қадар зиммадаги барча тошриқларни қиёсасига етказишга ҳаракат қилишми.

Уй-жойларни, коммунал ва социал-маданий объектларни асраш, намунали сақлаш учун моддий техника базаси билан тўла таъминланган бўлишимиз керак. Ҳозирча планда белгиланган материаллардан 30 проценти олиқамиз, холос.

Қиш масвумига тайёргарлик қўришда бизга ёрдам бераётган ташкилотлар ўз ишларига сиқидиган қиришларини истаймиз. Чунки ўз қўлимиз билан турар жой фондидини қиш масвумига тайёрлашимиз қийин. Айбни бир-биримизга тўнкаб баҳона қилганимиз билан уйлар исиб қолмади.

Ҳозирги ғанимат кунларда турар жой фондидидаги барча камчиликларни бартараф этиш, қиш масвумида аҳолига намунали хизмат кўрсатиш учун пухта замин яратилиши.

Сўхбатни Д. ОБЛАЕВ ёзди.

«Себзор»

массиви

муаммолари

Пойтахтимиз қуддан-қуяга яннамолда, обод бўлмоқда. Янги-янги массивлар, турар жойлар бунёд этиляпти. Одамлар қайноқ ҳаёт оқимида яшамоқдалар. Аҳолиси мўл бўлган «Марказ 17/18» массиви бунёд бўлганига кўн бўлмаган бўлса ҳам, ўзига яраша ташвиши, ўзига яраша муаммолари бор. Мавжуд уйларнинг аксарияти 5 ва 9 қаватли. Ташқи қўри-нишдан бинойидек, ҳали янги. Хонадонлардан ҳам деярли шикоят йўқ. Бу борада муаммолар аста-аста ҳал бўлмоқда.

Бироқ, болаларга, мактаб ўқувчиларига қийин. Чунки, ўйин ва спорт майдончалари массивда талабга жавоб бера олмайди. 12—13-уйларнинг оралиғига номинатгина қишқ-қинғир темирлар ўрнатиб қўйилган. Бу «майдонча»да ўйнагандан ўйнамаган афзал. Яқинда шу уйларнинг ёнида узунлиги беш метр келадиган иккига кенг чуқурча пайдо бўлиб қолди. Болалар улардан «ўйин майдончаси» сифатида фойдаланишмоқда.

12-уй олдидаги йўл бир томондан йилгидан дарахт ва бетон билан тўсиб қўйилган. Машиналар ўта олмайдиган, билмаган одам кечаси қоқилдиган бу тўсқилар кимга, нима учун керак? 20-уй билан 233-бўча ўртасидаги манзара яна ҳам қаройиб. Бу ерда шахсий автомобиллар учун бетартиб қўрилган бир неча гараж, чала қўрилган «ўйин майдончаси» ва узукка қўз қўйгандек «ярашиб тушган» ахлатлар уюми.

20-уйнинг 122-квартирасида истикомат қилувчи Зарифа опа Абдуллаева билан суҳбатлашганимизда у шундай деди:

— 20-уй массивидаги катта уйлардан бири. Ўнда ўз-ўзини ҳал қили олмайган муаммоларимиз талайгина. Мана, шу ўйин майдончасини олайлик. Жудаям чала қилинган иш деб биламан. Негаки, жой нотўғри таялган, майдонни қичкина. Болалар футболни ахши кўришади. Жой йўқлиги сабабли бир амаллаб, тор жойда томоша деганларидек, шу ерда ўйнашади. Қий-чўв, шиквин бўлиб, аҳолининг тинчи бузилади. Бу ҳаммага ҳам ёқармайди. «Себзор»да аксарият уйлар шундай нотинч.

22-мактаб ўқувчилари Гайрат ва Марат Мақсудовлар, Фарҳод Тулаганов, Шерзод Абдуқодиров ҳам шароит ёмонлигидан нолишди.

— Футбол ўйнаш ахши кўрамиз. Бу ерда ўйнамас, ҳамма бизларни ҳайдайди, коптоғимизни олиб қўйишди. 233-бўчани футбол ўйнаса бўладиган ахшигина очиқ майдон бор. Аммо қорув амаки у ерда ҳам бизни ўйнатайди. Бизга ахши ўйин майдонни керак. Манаян гаражларини ва ахлат уюми ўрнига ҳам ахши майдонча қурса бўларди. Катталарга ҳам хайронимиз, бизга аталган жойларга гаражлар қўриб, ортиб қолган қисмида ўйнашга рухсат беришмайди.

Дарҳақиқат, массивда ўринсиз қўриб ташланган гаражлар, уюб қўйилган ахлат-хоналар талайгина. Шахримиз қуддан кчи обод бўлаётган бир пайда «Себзор»даги бу манзарани кўрган кишининг қўнгли хир тортади.

Н. МАХМУДОВ.

Юрак сирлари

○ Бугун Тошкентда Ўзбекистон кардиологларининг II съезди очилди. Унда меҳнат олимлари, шифокор-кардиологлар юрак ва қон-томир касалликларининг келиб чиқиш сабабларини, юрак

ишемия хасталикларининг олдини олиш ва даволаш муаммоларини муҳокама этиб, амалий чора-тадбирларни белгиладилар. Қуйидаги мақолада юрак хасталикларининг ҳақида ҳикоя қилинади.

Юрак ва қон-томир касалликларини олимлар «Аср касаллиги», «Цивилизация келтириб чиқарган касаллик» деб бежиз айтишмайди. Ҳақиқатан ҳам сўнгги 10—20 йил ичида индустриал ривожланган мамлакатларда, шу жумладан бизнинг Ватанимизда ҳам гипертензия, юрак касаллиги (унинг формаларига стенокардия, миокард инфаркти кирди) ва шу касалликдан ҳалок бўлиш ҳолатлари кўп учраб туради.

Юрак ва қон-томир касалликларининг олдини олиш ва даволаш учун Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг кардиология институти ташкил этилди. Ҳозирги кунда республикада 7 та кардиология диспансери, поликлиникаларда 253 кардиология кабинетлари, 144 та тез ёрдам бригадаси, касалхоналарда 6765 кардиолог ўрни бор. Электркардиограммаларни узоқ масофага узатадиган 14 та диспансион-диагностика маркази ишлаб турибди. Даволаш муассасаларида 694 ма-лакали кардиолог врачлар ишлашмоқда. 2 та санаторийда (Луначарский, Чортоқ) инфаркт миокарди билан оғирган беморларни яна меҳнат фаолиятига қайтариш учун реабилитация бўлимлари бор. Юрак ва қон-томир хасталикларининг олдини олишда синарт ёки папирос чеккини, юқори калорияли овқатларни қўллаб истеъмол қилишининг, кам ҳаракатлилик, сиртқи ичимликларни сурункали истеъмол қилишининг, семиринишнинг сўнгги чораси аср давомида кенг тарқалганлиги оқибатида эканлиги олимлар аниқлашди.

Юрак ишемия касаллигига олиб келувчи сабабларга юқоридагилардан ташқари қон босими касаллиги, қонда ёғсимон моддалар ва қанд миқдорининг ошиши келиши, асос тарағлиги ва ҳоказолар кирди. Юрак ишемия касаллиги асосида 95 процент юрак тоғ-томирларининг атеросклерози ётади. Бунда артерия қон-томирларининг ички юзасига ёғсимон моддаларнинг ўтириб қоллиши натижасида томир торайиб, тинмай ишлаётган юрак мушаклари қон ва ксилорол билан керакликча таъминланмайдиган. Юрак тоғ-артерия тоғ-томирлар атеросклероз процесси одам текис йўлда тез юрганда, қин текислигида тепага чиққанда кўкрак қафасида оғриқ пайдо бўлиши билан намоён бўлади (бузиқчи стенокардия). Юқорида санаб ўтилган омилар эса тоғ-томирларда худди шу атеросклероз процессини тезлаштирувчи омиллардир, демак юрак ишемия касаллигининг омиларидир.

Ўзбекистон кардиология илмий-текшириш институтида олиб борилган профилактик текширувлар Тошкент шаҳри аҳолиси ўртасида ҳам юрак ишемия касаллигининг ва шу касалликка олиб келувчи омиларнинг анчагина кенг тарқалганлигини кўрсатди. Профилактик текширувга Тошкентнинг Киров районида истиқомат қилувчи 40—59 ёшли 3 мингта эркак қаққилди. Чаккирувга 2400 киши келиб, профилактик медицина кўригидан ўтди. Текширув натижасида 40—59 ёшли эркакларнинг 10,7 процентиди юрак ишемия касали билан аниқланди. Бу текширувлар Тошкент аҳолисида юрак-ишемия касаллигига нисбатан кам учрайди деган тахминларга хотима берди. Бу прокент Москва, Ленинград, Киев, Минск эркаклар ўртасидаги кўрсаткичдан 2—3 процент кам, ҳолок.

Профилактик текширувлар шунинг кўрсатдики, эркаклар юрак атрофидаги оғриққа қўнча кераклигига эътибор бермай, врачга мурожаат қилмас эканлар. Юрак ишемия касаллиги бор одамларнинг фақат 37 процентиди ўзида жиддий касаллик мавжудлигини аниқлаб, даволашни туганлар. Юрак ишемия хасталигига учраганларнинг 63 проценти биринчи бор профилактик текширувлар жараёнида топилди. Демак, кўп одамлар ўзларидида кўкрак оғрини юрак ишемия касаллигининг белгиси эканлиги билмаганлар ва даволанмаганлар. Кўкрак қафасидаги оғриққа бундай бепарволик, «ўтиб кетди» деб чыдаб юриш ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ҳар бир киши, айниқса, эркаклар, эътиборини пайтида кўкрак қафасида оғриқ сезса, кечикмасдан поликлиника кардиологига (ёки терапевтга) учраб керакли консуль-

табига олиши керак. Ҳозирги пайтда, шаҳар аҳолиси ўзида юрак қон-томир касалликларини бор-йўлигини ўз поликлиникаларида олиб борилаётган профилактик текширувда аниқлаб, касаллигининг ноҳуш оқибатлари—миокард инфаркти ва нисултнинг олдини олиши мумкин.

Тошкентнинг 40—59 ёшли эркаклар орасида юрак ишемия касаллигига олиб келувчи омилар ҳам кенг тарқалган. Шу ёшдаги эркакларда синарт ёки папирос чеккиш (55 процент), семириниш (22 процент), кам ҳаракатлилик (12 процент) анча ривожланган. Текширилганларнинг 19—20 процентининг қонида атеросклероз ҳолатига олиб келувчи ёғсимон моддаларнинг миқдори баланд, 26 процентиди қон босими нормадан юқори. Қон босими касаллигига чалинган эркакларнинг 48 проценти ўзларида қон босими ошганлигини, яъни ёмон эканлигини билдирмаган. Қон босими хасталигини бутунлай тўзатиб юбориш мумкин бўлган ҳозирги пайтда беморларнинг даволашмай юришлари ҳеч кечириб бўлмайдиган ҳолатдир. Касаллиқни аниқлаб, ўз вақтида даволаш эса миокард инфаркти ва нисулт (миёга қон қуйилиши)нинг олдини олади.

Юрак ва қон-томир касалликларининг олдини олиш учун Ўзбекистон кардиология институти томонидан медицина кўригидан ўтган кишиларни профилактик даволаш кенг йўлга қўйилди. Текширувда юрак ишемия касаллиги бор деб топилган беморлар диспансеризация қилинади, клиникага ётқизилади ва даволанадилар. Ўзларга юрак ишемия касаллигига олиб келувчи сабаблар—ичкилик ичиш, чеккиш, семирб кетиш, кам ҳаракатда бўлиш ва бошқа факторлар тушунирилади, ёмон одатларни ташлаш методлари қўлланилади ва кенг профилактик даволаш олиб борилади.

Юрак ишемия касаллиги (стенокардия, инфаркт) ва нисулт машхур рус клиникисини М. Я. Мудров айтганидек, «Даволашдан кўра олдини олиш осонроқ» бўлган хасталиклар турига кирди. Шунинг учун профилактик текширувларга лоқайдлик билан қараш, улардан фойдаланмаслик инфарктнинг олдини олмаслик билан баробардир. Шунинг қатъий айтишмики, аҳоли қаққилган пайтда, кейинга қолдирмай медицина кўригидан ўтиши, врачлар томонидан айтилганларни бекам-кўст бажариши миокард инфаркти хавфини камайтиради, унинг олдини олади.

Юрак ишемия касаллиги ва унинг ҳаёт учун хавфли формаси—миокард инфарктнинг олдини олиш учун қуйидагиларга риоя қилиш керак:

○ Ҳар бир профилактик медицина текширувидан умумий фойдаланиб, касаллиқни яширин бошлангич даврида аниқлашга ҳаракат қилиш.

○ Қон босимини профилактик равишда ўлчатиб туриш, охиб кетган бўлса, сабр билан, тўла-тўқис даволашни.

○ Чекишни ташлаш ва чекишни ҳеч қачон бошламаслик.

○ Овқатини ўта тўйиб, метёридан ортиқ емаслик, ўта семирб кетмаслик керак.

○ Сиртқи ичимликларни мутлақо ичмаслик.

○ Ўсимлик мойларини кўпроқ истеъмол қилиш.

○ Иложи борича кўп ҳаракатда бўлиш (яёв юриш, жисмоний машқлар қилиш) ва бошқалар.

Бу баён этганларимиз илмий кашфиёт ҳам эмас, ҳеч қимга янгиллик ҳам эмас, балки ҳамма билган, кўп марта эшитган, лекин қўнчилик риоя қилмайдиган муаммолардир. Булар саломатликка нафти тегадиган маслаҳатлардир, буларни ҳамма яхши билиши керак.

Низомиддин МИРЗАЕВ,
медицина фанлари доктори, профессор



Адиблар—мактаб меҳмони

Шаҳримиздаги 127-мактабда катта адабий кеча бўлиб ўтди. Мактаб пионерлари ва комсомол ёшлари Гафур Ғулом номидида мукофот лауреати, атоқли шоир Пўлат Мўмин, Тўлқин, Мирпўлат Мирзаев, фантаст ёзувчи Хожакибар Шайховларни қиз-кин қутиб олдилар.

Мактаб директори Фазлиддин Комилов, ветеран-педагог Тўхта Мирбобоева, мактабнинг собиқ талабаси Нафиса Сулаймонқуловлар мактаб, адабиёт, устоз ва шоғирдик ҳақида тўққинлашиб гапирдилар.

Шундан сўнг мушоира бошланди. Пўлат Мўминнинг кувноқ, Мирпўлат Мирзаев, Тўлқинларнинг фалсафий руҳ билан йўғрилган шеърлари тингловчиларга маъқул бўлди. Хожакибар Шайхов эса фантастика ва унинг

муаммолари ҳақида гапирди. Шунингдек адиблар ўқувчиларнинг қўллаб-савдоларига жавоб қайтаришди.

Кеча охирида мактаб бадий ҳаваскорлик коллективини аъзолари концерт намойиш этишди.

Т. АШРАФХОНОВ.

СУРАТДА: учрашувдан лавҳа.

Р. Шарипов фотоси.

Яхши дам—меҳнатга ҳамдам

Ишчи цехга қайтди

Тошкент тўқимачилик комбинати 2-йигирув фабрикаси ветеран ишчиси Е. Чусикини ҳаммаслари хурсанд ҳолда кутиб олишди. У касаллиги, қорхонанинг санаторий-профилактика даволашдан эди. Ветеран билан бирга ёш калаваловчи М. Қориева ҳам соғлигини мустақамлаб қадардон цехига қайтди.

Саломатлик масканида ўтган ойларида 1600 га яқин ишчи-хизматчи дам олиб, даволанди. Шунингдек, ёз мавсумида 200 дан зиёд тўқимачи оналар ҳам фарзандлари билан бир-галикда шифокорлардан шифо топишди.

Яқинда профилактик комбинатнинг бир қатор ҳунар-техника билми юрларининг 120 га яқин ўқувчиларини ҳам ўз бағрига олди.—лейти санаторий-профилактик бош врач Нелля Шарипова.—Бу ерда қизлар бир ой мобайнида ўз саломатликларини янада мустақамлашади, умумий меҳнат учун қуч-ғайрат тўплашади.

Саломатлик масканида дам олиб, даволанганлар, бу ердан минималдор бўлиб, хушайфият билан чиққанлар жуда кўп. «Таксилл ва мулоҳазалар» дастурини верақлаб, фақат минималдорчилик сўзларини ўқийсиз.

З. ДУСТМУҲАМЕДОВА.

Сўраган эдингиз...

Пухта тайёргарлик кўрилса

Шаҳар аҳолиси, қорхона ва муассасаларга мунтазам сув етказиб бериш «Водоканал» трести коллективининг вазифаси ҳисобланади. Айниқса, сув таъминотидаги узилишлар катта ташвиш келтиради. Бунинг олдини олиш учун ишлар қилинди! Шу ҳақда билишни истардик.

Л. САЙДОВА, М. ЮСҮПОВА ва К. РАЗЗОҚОВлар.

Штатсиз муҳбиримиз «Водоканал» трести бошқарувчиси Зокир Тўраевчи Солиқўнаев билан учрашиб, газетхонлар хати билан уни таништирди.

— Ўтган киш мавсумида юз берган тасоиф ва кўнгилисиз ҳолатларни ҳисобга олдик.

Трест эксплуатация хизмати ишчи ва хизматчилари Қиб. райдаги 5-сув резервуарини соғлаш ишларини белгиланганидан олдин бажаришди. Етти километр узунлиқдаги бу резервуарнинг ишга туширилиши билан Ҳамза ва Ленин районидидаги аҳоли турар жойлари ва қорхоналарни қархотон қишда ҳам узулкисиз сув билан таъминлаб туриш имкони вужудга келди. Бўйсиз станциясида қўшма қувватлар ишга туширилди. Бу ерда кеча-кундузда 100 минг куб метр сув қўшимча тозаланамоқда.

Ўтган ойларида катта ҳажмда ремонт-профилактика ишлари амалга оширилди. Жумладан, Чилонзор районидидаги 5-искилик марказини икки томонлама сув билан таъминлаш мақсадида Сегизбоев, Зиб Саид кўчаларидаги резервуарларнинг кувур ва усунларини янгиланди. Ленин ва Ҳамза районларидаги хизмат қилмайдиган резервуарларга конденсат ўрнатилди. Акмал Доши ва Усмон Юсупов кўчалари, Хмельницкий ва Грузовая кўчалари яқинидаги массивларга хизмат қилмайдиган кувурлар капитал ремонтдан чиқарилди. Тамаки фабрикаси қаршисидаги ташлама усунларининг алмаштирилиши билан Акмал Икромов ва Собир Рақимов районларини сув билан таъминлаш яхшиланди. Новосмоковская, Урчикий, Малжсов кўчаларидаги кувурлар ҳам ремонт қилинди.

Т. ОБИДОВ.

Вир неча йилдан бери биз заводда меҳнат қиламиз. Эшитишимизга қараганда уй-жойни қуриш, уй-рўзгор асбобларини харид қилиш каби ишлар учун ёш оилаларга процентсиз ссуда берилиши мумкин эмиш. Шу тўғрисида Мўмин бўлса, бу ҳақда батафсилроқ баён қилсангиз.

М. Холмухамедова,
Н. Холмухамедова.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1981 йил 22 январдаги қарорига асосан қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва ҳолхозлар социал-маданий тадбирлар, уй-жой қурилиши ёки бошқа фондлар ҳисобидан болалари бўлган ёш оилаларга ёрдам қўра-тиш учун процентсиз ссуда бериш-ларни кўзда тутилган. Қорхона, муассаса, ташкилот ёки ҳолхозда икки йилдан кам ишламаган 30 ёшгача бўлган эр ёки хотинга турар жой шартларини яхшилаш ёки уй-рўзгор буюмларини харид қилиш учун 1500 сўмгача саниқиз йилда қайтариш муддати билан процентсиз ссуда берилади.

Хат босилмади, аммо чора кўрилди

Фактлар тасдиқланди

Октябрь районидаги Матлубот кўчаси 3-проезд 15/17-уйда истиқомат қилувчи гражданин З. Муслимов редакцияга мактуб йўллаб, маҳалла активлари жамоат ишлари бажаришда нотўғри хатти-ҳаракат қилаётганлигини маълум қилган эди. Ушбу хат текшириш ва чора қўриш учун халқ депутатлари Октябрь райони Советининг ижроия комитетига жўнатишган эди. У ердан жавоб олинди.

Маълум бўлишича, хатда келтирилган фактларнинг бир қисми тўғри деб топилди. Яқинда бўлиб ўтган маҳалла комитетининг ҳисобот-салоҳ йилигида бир йўла тушунтириш ишлари ҳам олиб борилади. Маҳалла комитетининг янги составига маҳаллада санитария қондаларига риоя қилган ҳолда ободонлаштириш ишларини амалга ошириш тақдир этилди. Шунингдек, маҳалладаги кўча ва йўлларнинг тозалаш бўйича ҳашар ўтказишга ҳам қарор қилинди.



Максуд Шайхзоданин «Жалолдин Мангуберди» драмси асосида телефильм суратга олинмоқда. Бу ишга Ўзбекистон телевидениесининг талантли режиссёри Ҳамид Қахрамонов бошчилик қилмоқда. Шаҳримиздаги бир неча театр актёрлари ҳақорилигига яратилаётган ушбу видеофильм тоз кўнларда томошибиларга тақдим этилади.

СУРАТДА: Ҳ. Қахрамонов (чапда) видеофильмни суратга олиш чоғида.

П. КАРИМОВ.

Тошкентдаги 128-мактабнинг математика ўқитувчиси, Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси.

Илм

масканларида

Дўстлик рамзи

Шаҳримиздаги 257-ўрта мактабда янгича ананалар яхши йўлга қўйилган. Кўни кеча революцион қўшиқлар ҳамда расм чизиш конкурсларида, мактабнинг кўпгина отрядлари иштирок этишди. Ғолибликни 4 «Д» синфи олиб, фахрий ёрлқ ва вимпель билан тақдирланди. Иккинчи ўрин 4 «Б» ва 4 «А» синфларига берилди.

Шунингдек, мактабда сиёсий ашулалар, ҳарбий интернационалчилар айтган қўшиқлар конкурси, «Темирчилар ўқиши», «Қувноқ» «Стартлар» мусобақалари ҳам бўлиб ўтди. Бу мусобақаларда Мухайё Назарова, Юлиа Добровольская, Жанна Ким, Дилбар Салимова ва Нилуфар Ибрагимовалар маҳоратларини кўрсатишди.

Бу конкурс ва мусобақаларни уюштиришда мактабнинг жонқуяр бош пионервожатийси Лена Лапатина ва ташкилотчи Эрика Головиналарнинг ҳиссалари катта.

А. ДАМИНОВ.

Ёзувчи хотирасига бағишлаб

Ўзбек совет ёзувчиси Хусайн Шамш таваллудига 85 йил ўтди. У ораминдан кетган кўп йиллар бўлди. Беват ўқиб ёзувчининг нави-рон 40 ёшида, ижодининг янги гуллаган даврида олиб кетди.

Ёзувчининг 85 йиллиги нишонлиниши муносабати билан Акмал Икромов районидидаги Хусайн Шамш номидида 4-ўрта мактабда тантанали кеча бўлиб ўтди. Кечага унинг қизи Раёно Мирзакаримова ва наваралари тақдир қилинди. Шунингдек, Акмал Икромов район халқ маорифи бўлиминидан, райондаги бошқа мактаблардан вақиллар келишди. Мактаб ўқувчилари концерт ҳамда ёзувчининг «Душман» ва «Хуқ» романиларидан сахналар намойиш этишди.

М. ИНОЯТОВА.

Оилангиз ёш бўлса

Кўрсатилган мақсадлар учун процентсиз ссуда бериш хуқуқидан социал-маданий, уй-жой қурилиш ва бошқа фондларга эга бўлган қорхона ва ташкилотлар фойдаланади.

Ссуда турар жой шартларини яхшилаш учун ёки уй-рўзгор буюмларини олиш учун берилади. Демак оиланга маблағ уй-жой қуришда, капитал ремонт, турар жойини неағайтириш, қурилиш кооперативига кириш званосини тўлаш ёки мебелъ, кийим-кечак, қишлоқ ўқимли инвентарларини харид қилиш мақсади учун сарф қилиниши керак. Ссуда гараж қуриш, машина, мотоцикл, қимматбаҳо гарнитурлар ва бошқа зарур бўлмаган буюмларини харид қилиш учун сарфланиши мумкин эмас.

Процентсиз ссуда бериш ҳақидаги қарор меҳнат коллективининг тасиясига кўра маъмурият, насаба союз комитети билан биргаликда кўриб чинилиб, оила аъзоларининг состави ва моддий томони назарга олигани ҳолда қабул қилинади. Қарорда ссуда қандай мақсад учун ва қайси мuddатга берилиши кўрсатилади.

Ссуда ҳодимга нақд пул тариқасида берилиши ёки бўлмаса уй қураётган, капитал ремонт қилаётган, буюмларини аҳолига сотаётган қорхона, муассаса ҳисобига ўтказилиши мумкин. Турар жой кооперативига бериладиган биринчи званоси ҳам пулни ўтказиш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

Ссуда олаётган ҳодим оиланга маблағини қайтариш ҳақида қорхона олдиди маъмурият олади. Ссуда пулини қайтариш бир йиллик тўловнинг ўн иккисидан бир қисминини ҳар ойда (ссуда берилган ойдан кейинги ойдан бошлаб) тўлаш йўли

билан амалга оширилади. Манбуринида ишдан сабабсиз ўз ҳоҳиши билан ёки меҳнат иттиҳозини бузганлиги учун бўшаса ёки оиланга пул бошқа мақсадлар учун сарф қилинса, ссуда мuddатдан сўнги қайтарилиши кўрсатилиши керак. Агар ҳодим қурилиш кооперативига аъзоллигидан чиқса ёки ўзига тегишли уйни сота тўланмай қолган ссуда пули мuddатидан аввал қайтарилиши керак.

Ссуда олувчи фарзанд кўрса 200 сўм, кейинги фарзанд туғилгани учун 300 сўм ссуда ҳисобидан қарз тўланган ҳисобланади. Бундай иттиҳозларни қўллаш учун бола туғилганлиги ҳақида ЗАГС органлари томонидан берилган гувоҳнома асос бўлиб ҳисобланади. Берилган ссудани тегишли муассасалар учун сарф қилиниши қорхона, муассаса, ташкилот маъмурияти ва насаба союз комитети назорат қилади.

Ушбу иттиҳоз 1984 йил 1 апрелдан бошлаб ҳаётга тадбиқ қилина бошланди.

А. ҲАСАНОВ,
юрисконсулт.



Тошкентда олтин кўз.

Р. Альбеков фотоси.

Педагогик фикрлар антологияси

СССР халқларининг педагогик мероси узоқ ўтмишга бориб тақалади. Асрлар давомида ривожланиб, ушбу маърифий ва тарбиявий аҳамият касб этган ана шу бебаҳо бойлик билан кенг иттиҳозларни яқиндан таништириш мақсадида «СССР халқларининг педагогик фикри антологиясини» чоп этишга киришилди.

Маъзур туркумда нашр этилаётган ҳар бир тўпلام мутахассисларда бўлгани каби ота-оналарда, тарбиячиларда, умуман кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Москвадаги «Педагогика» нашриёти 1993 йилга қадар бундай антологиялардан 19 тасини босиб чиқаришни планлаштирди.

Нашриёт бугунги кунгача қадимий Русь педагогик мероси билан боғлиқ икки антологияни китобхоналарга тақдим этди. Шу билан бирга Белоруссия ССР, Ўзбекистон ССР, Грузия ССР халқлари педагогик фикри антологиялари ҳам босилиб чиқди. Бу нашрлар ўқув-педагогика адабиётлари билан савдо қилувчи китоб магазинлари орқали сотушга чиқарилмоқда.

А. АЛИЕВ.

Билан амалга оширилади. Манбуринида ишдан сабабсиз ўз ҳоҳиши билан ёки меҳнат иттиҳозини бузганлиги учун бўшаса ёки оиланга пул бошқа мақсадлар учун сарф қилинса, ссуда мuddатдан сўнги қайтарилиши кўрсатилиши керак. Агар ҳодим қурилиш кооперативига аъзоллигидан чиқса ёки ўзига тегишли уйни сота тўланмай қолган ссуда пули мuddатидан аввал қайтарилиши керак.

Ссуда олувчи фарзанд кўрса 200 сўм, кейинги фарзанд туғилгани учун 300 сўм ссуда ҳисобидан қарз тўланган ҳисобланади. Бундай иттиҳозларни қўллаш учун бола туғилганлиги ҳақида ЗАГС органлари томонидан берилган гувоҳнома асос бўлиб ҳисобланади. Берилган ссудани тегишли муассасалар учун сарф қилиниши қорхона, муассаса, ташкилот маъмурияти ва насаба союз комитети назорат қилади.

Ушбу иттиҳоз 1984 йил 1 апрелдан бошлаб ҳаётга тадбиқ қилина бошланди.

А. ҲАСАНОВ,
юрисконсулт.

«Тошкент оқшоми»га жавоб берадилар

«Яна бозор ҳақида»

«Тошкент оқшоми» газетасининг 1988 йил 12 август сониди юқоридидаги сарлавҳа остида танқидий мақола эълон қилиниб, шаҳардаги мева ва сабазот дўконлари, шу жумладан Акмал Икромов районишхотеторига қарашли 20-магазиндаги аҳвол ҳам кескин тенқид қилинган эди.

Ҳақиқатан ҳам магазинда мева ва сабазот маҳсулотлари кам бўлган. Бу масала торгининг кенгайтирилган ишлаб чиқариш йиғилишларида муҳокама қилинди. Шунга қарамай, маъзур мағозини мева ва сабазот маҳсулотлари реализацияси планини бажариб келяпти. Текшириш кўзи чиндан ҳам магазини пештахталари бўш бўлган. Чунки ўз-ара шартномага кўра Акмал Икромов район улгуриш-чакана савдо мева ва сабазот комбинати вақтида маҳсулот етказиб бермаган.

Дўкон мудирига белгиланган ассортиментдаги мева ва сабазот

ЎЗБЕКИСТОН ССР ГОСНАВИНИНГ РЕСПУБЛИКА

КОММЕРЦИЯ АХБОРОТ МАРКАЗИ

15-18 НОЯБРЬ КҲУЛАРИ
ТОШКЕНТДАГИ «ЕШЛИК» СПОРТ
КОМПЛЕКСИДА

(Пахтакор кўчаси, 7-уй)

Республика саноат
ярмаркасини ўтказиЯрмаркада фойдаланилмаётган материаллар, ускуна-
лар комплекслари қилинган буюмлар, тайёр маҳсулотлар,
ишлаб чиқариш чирқилари ва иккиламчи хом ашёлар
реализация қилинади.УСКУНАЛАР, ХОМ АШЕ ВА МАТЕРИАЛЛАРНИ
РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШ БҲУЙЧА

Аукцион ўтказилади

Саноат корхоналари, бирлашмалари, ташкилотлар,
кооперативлар, колхоз ва совхозлар, шунингдек, индиви-
дуал меҳнат фаолияти билан шуғулланган шахслар
таклиф қилинади.Ярмаркада қатнашиш фойдаланилмаётган материал-
ларни реализация қилиш ва зарурларини сотиб олиш
имконини беради.Бронлаштирилган ишчи жойлари миқдорига бўлган
заявканилар кўйидаги адресса хабар қилишни илтимос
қиламиз: 700038, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 7-уй.Справкалар учун телефонлар: 41-16-60, 41-11-20,
41-32-71.

«ТАШАВТОТЕХОВСЛУЖИВАННИЕ»

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ҲУЗУРИДА

Хусусий мулк тарихида гражданларга тегишли авто-
мобиллар билан савдо-сотиқ қилиш юзасидан аҳолига
хизмат кўрсатувчиВОСИТАЧИ КОМПЬЮТЕР ХИЗМАТИ
ТАШКИЛ ЭТИЛИДИБу янги хизмат юқори самарали компьютер техника-
си билан таъминланган бўлиб, у воситачилик йўли билан
сотиладиган автомобиллар ҳақидаги ахборотларни йн-
гади ва қайта ишлайди. Компьютер бир неча секунд ичида
қизиқилган ахборотларни бера олади.БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳри, Халқлар дўст-
лиги проспекти, 118-уй, «Автосервис».

Справкалар учун телефонлар: 76-33-61, 76-49-17.

«Идеал»—чиройли

ва модада дегани!

БИЗНИНГ САЛОНИМИЗДА ЎЗИГА ХОС ЧИ-
РОЙДА СОЧЛАРИ ТУРМАКЛОВЧИ ИЖОДКОРЛАР
— АЖОЙИБ УСТАЛАР ИШЛАШАДИ.Бу ерда сизга кўрсатиладиган ранг-баранг хизматларга,
жумладан, соқол олдириш, массааж, педикюр ҳам қиради.«ИДЕАЛ»да сиз саунани фойдаланишингиз, кафедра
тамада қилишингиз мумкин. Чиройли жиҳозланган садон
хоналари сизга яхши кайфият бəхш этади.Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Норхўжаев кўчаси,
166-уй.

Справкалар учун телефон: 91-60-17.

САРТАРОШЛИК ХИЗМАТИ КОМБИНАТИ.

Тошкент область матдубот жамиятининг

«ТАШОБЛКОМИССИОНТОРГИ»
ТОШКЕНТ ОТЧОПАРИ ТЕРРИТОРИЯСИДАКОМИССИОН МАГАЗИН
ОЧДИМАГАЗИН ГРАЖДАНЛАР ТАШКИЛОТЛАР ВА
КОРХОНАЛАРДАНтракторлар, юк ва енгил автомашиналарнинг эҳтиёт қис-
мларини, шунингдек кооперативлар ва хусусий меҳнат
фаолияти билан шуғулланувчи граждандар томонидан
тайёрланган саноат товарларини комиссияга

Қабул қилади

Магазин ташкилотлар ва корхоналар, колхозлар ва
совхозлардан енгил ва юк автомашиналарини, қишлоқ хў-
жалик техникасини комиссияга қабул қилади ва уларни
белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган кооперативларга
найд пулга сотади.Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Луначарский
шоссеи, 379-уй. Телефон: 64-12-83.СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи
ишлаб чиқариш базасидаги
36-УРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
«ЭЛЕКТР КҲПРИК КРАНЛАРИНИНГ МА-
ШИНИСТИ» ихтисоси бўйича групплага
ҚУШИМЧА

Қабул эълон қилади

Ўқиш муддати — 10 ой.
Ўқишга ёш 17 дан катта бўлмаган йилгит ва қиз-
лар, шунингдек Совет армияси сафарида ўз хизмат
бурчини ўтаб қайтган ёшлар қабул қилинади.Ўқиш даврида стипендия тўланади, ишлаб чиқариш
практикаси вақтида аса ишлаб топилган меҳнат ҳақининг
50 проценти тўланади. Ўқувчилар бепул 3 маҳал оғат
билан таъминланадилар.Бошқа шахарлардан келган ёшларга ётоқхона бери-
лади.МАШҲУЛОТЛАР ГРУППАЛАРИНИНГ КОМПЛЕКТ-
ЛАШУВИГА ҚАРАБ БОШЛАНИДИ.Билим юртини тамомлаган ўқувчиларга Веруний
номидига Тошкент политехника институтининг кечки бў-
лимига имтиёзли шартлар билан кириш ҳуқуқи бери-
лади.Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, 1-Трактор-
созлар массиви, 47-уй (25, 105-автобусларнинг «36-
СПТУ» бекати; 6, 13, 22-трамвайлар; 28-маршрутли так-
сининг сўнги бекати).Х. Олимжон номидига Ма-
даният уйининг«ТУЕНА» ЕШЛАР
КООПЕРАТИВИ
1988 йил 28 декабрдан
1989 йил 11 январгача
«ЭРТАКЛАРИНИНГ
СИРЛИ ОЛАМИ»
ЯНГИ ИЛ ТЕАТР-
ЛАШТИРИЛГАН ТОМО-
ШАЛАРИГАТАКЛИФ ҚИЛАДИ.
Нақд пул эвазига ва пул
ўтказиш йўли билан коллек-
тив буюртмалар қабул қили-
нади.
Мурожаат учун адрес:
Тошкент шаҳри, Муртазоев
кўчаси, 40-уй (9, 24, 51, 50,
72, 91-автобуслар; 2, 3, 16,
22, 23, 25, 29-трамвайлар-
нинг «Қозғонистон» кино-
театри» бекати).

«СТРОИМЕХАНИЗАЦИЯ»

трестининг
ИМЕХАНИЗАЦИЯ
БОШҚАРМАСИ
Тошкент шаҳрида яшовчи
ва шахарда пропскада ту-
рувчи экскаватор машинист-
ларини ва электромонтерлар-
ниИШГА
ТАКЛИФ ҚИЛАДИ
Мурожаат учун адрес:
Тошкент шаҳри, Космонавт-
лар проспекти, 6-уй, аҳоли-
ни ишга жойлаштириш
бюроси.ТАШКИЛОТЛАР,
КОРХОНАЛАРИНИНГ
РАХБАРЛАРИ, ШУ-
НИНГДЕК КУБИШЕВ
РАЙОН ГРАЖДАНЛАРИ
ДИҚҚАТИГА!Кубишев районининг ир-
ригацис объектиларини ре-
монт қилиш ва сақлаш ҳақ-
да кўламазорлаштириш бў-
йича3-ИХТИСОСЛАШГАН
БОШҚАРМАСИ
1989 йил январь
ойидан бошлабнақд пул эвазига ва пул
ўтказиш йўли билан қўчат-
лар ўтказиш ва яшил ниҳол-
ларни парваришлаш, шу-
нингдек, майда сугориш шо-
ҳобчаларини ремонт қилиш
ва янгаларини ётқириш юза-
сиданБҲУЮРТМАЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
Справкалар юзасидан қў-
йидаги адресса мурожаат қи-
линиш: Тошкент шаҳри, Ци-
олковский кўчаси, 282-«В»
уй. Телефон: 65-99-61.МЕХНАТ ҚИЗИЛ
БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ
ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИ-
ЛИК КОМБИНАТИ
Юқори малакали юристан
комбинат юридик бўлими-
нинг бошлиғи вазифасига
ИШГА ТАКЛИФ
ҚИЛАДИҚўйидаги адресса мурожа-
ат қилиниш: Тошкент шаҳ-
ри, Космонавтлар проспекти,
6-уй (метронинг «Ойбек»
станцияси).ХАЛҚҚА ХИЗМАТ —
ОЛИЙ ҲИММАТ
ИРРИГАЦИЯЛАШ ВА
КУКАЛАМБОРЛАШТИ-
РИШ ИХТИСОСЛАШГАН
РЕМОНТ-ҚУРИЛИШ
ТРЕСТИНИНГ
коллектор ва дренажларни
ремонт қилиш ҳамда
сақлаш бўйичаИХТИСОСЛАШГАН
БОШҚАРМАСИ
нақд пул эвазига
ҚУЙИДАГИ ХИЗМАТ
ТУРЛАРИНИ
ТАКЛИФ ЭТАДИЭлектрпровадқалар ре-
монти;
электр асбоб-ускуналар ре-
монти.
Бажарилган иш учун
прейскурантга мувофиқ ҳақ
олинади.Қўйидаги адресса мурожа-
ат қилиниш: Тошкент шаҳ-
ри, 173-алоқа бўлими, Ҳам-
роқул Турсунқулов кўчаси,
178-уй. Телефон: 75-82-71.«Технолог» илмий-тадқи-
қот ва конструкторлик-тех-
нология марказининг «Халқ
депутатлари Октябрь Район
Советининг иқроия комите-
те» деган ёзуви бўлган йў-
қолганГЕРБЛИ ПЕЧАТЬ ВА
ШТАМПИ
БЕКОР ҚИЛИНАДИВ. И. ЛЕНИН НОМИДА.
ГИ ТОШКЕНТ ОЛИЙ
УМУМҚУШИШ КОМАН-
ДИЛАРИ
БИЛИМ ЮРТИкафедралар бўйича
қўйидаги вазифаларга
КОНКУРС ЭЪЛОН
ҚИЛАДИ:Катта ўқитувчи: «Конст-
рукция материаллари» их-
тисоси бўйича бронетанк тех-
никасидан фойдаланиш;
доцентлар: «Марксизм-
ленинча философия» ихтисоси
бўйича марксизм-ленинизм,
диалектика, тарихий мате-
риализм, математика ва
физика.Конкурс муддати — эълон
чиққан кундан бошлаб бир
ой.
Хужжатлар қўйидаги адр-
ессага жўнатилиш: 700023,
Тошкент шаҳри — 23.

Эзгу мақсадлар

би л а н

Ўзбекистоннинг бир группа рассомлари республика рас-
сомлар союзи ижодий фаолиятининг қайта қуриш ишларига
амалий ҳисса қўиш мақсадида рангтасвирчилар биринчи
ижодий уюшмасини туздилар. Улар ўз олдларига Бутунитти-
фоқ ва халқаро кўриш-конкурсларда, кўргазмаларда респу-
бликамиз санъатини муносиб, ёрқин бадиий юксак рангтас-
вир асарлар билан тарғибот қилишни мақсад қилиб қўйганлар.Миллий рангтасвирнинг шаклланиш майдонларига муро-
жаат қилиш билан бирга истеъдодли рассомлар аъёналари-
га риоз қилиш, рангтасвирда музафакатли ижод қилаёт-
ган рассомларга пойиқ ижодий муҳит яратиш каби музамо-
ларни амалий тарзда ҳал этиш — уюшманинг биринчи вазифа-
лари қаторида тилга олинди.Халқимиз ўртасидаги рангтасвирнинг асл моҳиятини тарғиб
қилиш болалар уйлари, интернатлардаги эстетик тарбия иш-
ларига хайрия мақсадларида кўмаклашиш уюшма рассомла-
рининг фаолиятининг яна бир қиррасини ташкил қилади.Уюшмага Жавлон Умарбеков, Алишер Мирзоев, сингари
йигирмадан ортиқ талантли рассомлар аъзо бўлишди. Уюш-
ма аъзолари асарлардан Ўзбекистон Рассомлар союзининг
кўргазмалар замида экспозиция ташкил қилишди.

М. НАЗАРОВ.

СУРАТЛАРДА: рангтасвирчи рассомлар уюшмасининг йи-
гилишидан лавҳалар.

Автор фотолари.

«Пионер Востока»
1989 йилдаГазета саҳифаларида
«Уроки истории» («Тарих
дарслари») рубрикаси ости-
да бериладиган материал-
ларда ёзувчилар ўқувчилар-
нинг дарсликларига ёритил-
маган тарихий давлар тў-
ғрисидаги саволларига жавоб
берадилар.«Руководство» («Қўлини
қўлга бери») клуби эса ин-
тернационал дўстлик клубла-
ри каби фақат чет эллик
тегндошларинг билан марка
ва «саҳифа» алмаштириш би-
лан шуғулланмай, турли мил-
латга мансуб мактабдошлар
ўртасидаги дўстлик ришталар-
ини ўрнатади.«Подружка» («Дўгоналар»)
қизлар клубида бичиш-ти-
қиш, гимнастик машғулот-
лар, шешлар, сартарошлик,
косметика борасидаги қиз-
қарини маънавият ва... қит-
так бўлса-да ўғил болалар
тўғрисидаги «оҳ-воҳ»лар би-
лан танишасиз.«Мальчишник» (Болақай)
клубида спорт, сёвсат, авто-
мобиллар, ҳарбий таълим би-
лан шуғулланасиз.«4-й клуб» («4-клуб») —
уни «Модерн» клуби» деб
ҳам аташади. Унда сиз илди-
зи классикага бориб тақалув-
чи рок, брейк, абстракцио-
низм, дизайн сингари замона-
вий санъат турларини ўр-
ганасиз.«Ты и твоя организация»
«Сен ва сенинг ташкилот-
тинг») саҳифаси пионер таш-
килотини тубдан қайта қуриш
ҳақида ҳикоя қилади.«Адреса друзей» («Дўст-
лар адресси») — қардош
республикалардаги ва чет
эллардаги тенгдошларингиз-
нинг адреслари газетанинг

Йўловчилар учун қулайлик

Шаҳар пассажир авто-
транспортини ишлаб чиқариш
бош бошқармаси мамола-
катимизнинг турли шахар-
ларидаги корхоналардан
қўллаб-автосуслар олмақ-
да.Йил бошидан шу кунга қа-
дар бошқарма корхоналари-
нинг парк 109 та «ЛАЗ—685»,
30 та «ЛАЗ—677», 48 та
«Икарус—260, 280», 27 та
«ПАЗ—672» маркали шинам
автобуслар ҳисобига кенгай-
ди. Ихчам «РАФ—1207» марш-
рутли таксиларидан 30 та,Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОВ.Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги
М. Қорнқубов номли Ўзбек Давлат филармонияси
В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ
ДЎСТЛИГИ САРОПИДА

11-12 ноябрь соат 19.30 да

ФАХРИДДИН УМАРОВ

на

ҲОЖИАҚБАР ҲАМИДОВ

иштирокида

УСТОЗ ВА ШОГИРДЛАРИНИНГ

ижодий учрашуви

М. Қорнқубов номли Ўзбек Давлат филармонияси
-50 йиллигига бағишланадиКонцерт программасини артист Ҳамидулла ТОШПҲ-
ЛАТОВ олиб боради.Билетлар СССР Халқлари дўстлиги саройи кассалари-
да соат 14.00 дан сотилишда.Коллектив бўлиб келиш учун заявклар қабул қилина-
ди.

Тошкент Давлат циркида

ФАҚАТ 20 КҲН

18 НОЯБРДАН БОШЛАБ

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА

«Ўргатилган денгиз шерлари»

йирик аттракциони

Ҳайвон ўргатувчи — ТАТЬЯНА ВА ВАСИЛИИ
ТИМЧЕНКОЛАР.

2 бўлимдан иборат катта ранг-баранг программа.

Олдиндан билет сотиш кассаси очил.

Коллектив бўлиб тушниш учун буюртмалар қабул
қилинади.Қишлоқ жойларда яшовчи томошабинларнинг буюрт-
малари навбатсиз қабул қилинади.Касса соат 10 дан 20.00 гача дам олиш кунисиз иш-
лайди.Справкалар учун телефонлар: 44-35-91, 44-20-04,
44-35-84.1988 йил 24 декабрдан 1989 йил 10 январгача —
мактаб ўқувчиларининг қишки таътил кунларида

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА

МОСКВА ЦИРКИ АРТИСТЛАРИ

ЦИРКДА АРЧА

Байрамни ўтказадилар
Бош ролларда: ҚОРБОБО, ҚОРҚИЗ ВА БОШҚА
ЭРТАК ҲАҲРАМОНЛАРИ.

ТОМОШАЛАР:

24 ДЕКАБРДАН 30 ДЕКАБРГАЧА — соат 10.00,
12.00, 14.30, 17.00, 19.30 да;
31 ДЕКАБРДА — соат 10.00, 12.00, 14.30, 17.00
да;1989 йил 1 январидан 10 январгача — соат 17.00,
19.30 да бошланади.Билетлар олдиндан — 15 ноябрдан бошлаб цирк
кассаларида, соат 10.00 дан 20.00 гача сотилади.КОЛЛЕКТИВ ВУЛИБ ТУШИШ УЧУН БҲУЮРТ-
МАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.Қишлоқ жойларда яшовчи томошабинлардан буюрт-
малар навбатсиз қабул қилинади.Справкалар учун телефонлар: 44-35-91, 44-28-04,
44-35-84.

Кечангиз қизиқарли ўтади

Кечамиз қизиқарли ва мазмунли ўтсин, ўткир сюжет-
ли детективлар, кулгилли кинокомедиялар, лирик ва му-
сикий фильмларни, ниятимоий-сиёсий мавзулардаги кино-
картиналарни мириқиб томоша қилайлик десангиз, мар-
ҳамат — буларнинг ҳаммасини бизнинг видеотекамиздан
прокатта олишингиз мумкин.700 НОМДАГИ КИНО АСАРЛАРИДАН ИСТАГАНИНГ
ГИЗИНИ ТАЙЛАБ ОЛИШИНГИЗ МҲУМКИН!Видеотека репертуари ҳар ойда 30 та янги фильм билан
бойиб боради. Улар орасида шахар экранларига фақат 2-3
ойдан кейин чиқадиған анча-мунча кино асарлари бор.

ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ ИДОРАСИ

Адрес: Тошкент шаҳри, Қ. Маркс кўчаси, 22-уй (мет-
ронинг «Ленин» номидаги майдон» станцияси) Телефон:
33-55-14.

«Молодость» кооперативи

шахсий машина эгаларини вақт ва масофа чекланма-
ган ҳолда аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш учун до-
имий ва асосий ишдан буш вақтда шуғулланиш учун

Ишга таклиф қилади

КООПЕРАТИВ АВТОМОБИЛАРИНИ РЕМОНТ
ҚИЛИШДА ЕРДАМ КЎРСАТАДИ.

Ойлик тўлов — 40 сўм.

Рангли ва оқ-қора фотография санъати, кийим-бош-
лар бичиш ва тикитиш малакасига эга бўлган кишилар ҳам
ишга таклиф қилинадилар.Кооператив ҳузурида машқ заллари, сауна, психоло-
гик ҳордиқ хоналарини ўз ичига олган физкультура-со-
домлаштириш комплекси ташкил этилмоқда. Ишоний
машқлар машғулотларини тажрибали тренерлар олиб бо-
ришади. Кооператив билан ҳамкорлик қилётган кишилар
ўзи учун қулай вақтларда имтиёзли тарзда маскур ком-
плекسدан фойдаланиши мумкин.Адрес: Тошкент шаҳри, Оқтепа майдони, Мужрим
Обид кўчаси, 9 «а» уй. (147-мактабда жойлашган).

Телефонлар: 45-10-08, 45-16-94, 78-84-15.

Кино

11 НОЯБРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР

Синат саройи — «МАЮФИ»
(18.30, 20.45); «КИЗИЛ ҚҲМ-
ЛАР» (17, 19.30).ВЛКСМ 30 йиллиги — «ИМ-
ПЕРИЯ ХИМОЯСИ» (жупт со-
атларда);Тошкент Советининг 50 йил-
лиги — «КИЧИК ВЕРА» (18.30,
21.00).Нукус — «КИЧИК ВЕРА» (18.30,
20.45).Москва — «ЕТОҚ ДЕРАЗАСИ»
(17, 18, 20.40).Москва — «КИЧИК ВЕРА» (18.30,
21.00); «КАКУ КУШ УСИ УЗ-
РА ПАРВОЗ» (18, 21.00).ТЕМИРЎЛЧИЛАР
МАДАНИЯТ САРОЙИ
(Пролетар кўчаси, 30-уй)инглиз тилини тез
ўрганиш курсига
ҚАБУЛ
ЭЪЛОН ҚИЛАДИКурса ҳар кун, шанба
ва яшанбадан ташқари 29-
хонада рўйхатга ёзилади.КУБИШЕВ
РАЙОНИДАГИ
ИЛҲИЧ НОМИ
ПИОНЕРЛАР УЙИ2 йиллик
«МАЛИШОҚ»
мактабгача эстетик
тарбия студиясигаҚАБУЛ
ЭЪЛОН ҚИЛАДИСтудияга 5-6 ёшли бола-
лар қабул қилинади.Болалар ўзин усулида
инглиз тилига, расм чизи